Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 4 (8744). ● 7 январь, 1986 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олайлик

СИФАТ—АСОСИЙ МЕЗОН

ОЛМАЛИҚДАГИ тикувчилик фабрикаси чеварлари ўн биринчи беш йилликда яхши ишладилар. КПСС XXVII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада фаол қатнашиш улар меҳнати — натижасининг баракали бўлишига ёрдам берди. Шу мусобақа давомида ватанпарварлик ташаббуслари ва илғор иш усуллари кенг жорий қилинди. Қатор иш жойлари аттестациядан ўтказилди. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш юзасидан муайян тадбирлар амалга оширилди. Янги, замонавий тикувчилик дастгоҳлари ўрнатилди.

Шу туфайли коллектив беш йилликни барвақт уддалади. Шу давр мобайнида пландагидан ташқари 638 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Биргина унинг якунловчи йилида қўшимча ишлаб чиқарилган тикувчилик буюмлари салкам 240 минг сўмликни ташкил этди.

Фабрикада асосан мактаб ёшидаги болалар учун турли хил кийимлар тикилмоқда. Шунинг учун ҳам коллектив либосларнинг кўркам ва чиройли, болалар кийганда қувонадиган бўлишига алоҳида эътибор бермоқда. Маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилянти. Биргина ўтган йили беш хил маҳсулот «янгилик» индекси билан савдо шахобчаларига етказиб берилди.

Фабрикада тобора қизиб бораётган социалистик мусобақанинг кўпгина иштирокчилари юксак меҳнат кўрсаткичларига эришмоқдалар. Илғор чеварлардан Зоя Курсеитова, Назира Назарова, Ўрозгул Нишонова, Раҳима Нишонова, Екатерина Папшевалар нормани доим ортиғи билан бажармоқдалар. Улар шу кунларда 1988 йил ҳисобига маҳсулот беришмоқда.

Ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунлаган фабрика коллективи ўн иккинчи беш йилликда янада унумли ва сифатли ишлаш режаларини тузиб олди. Бу йил турли хил кийим-кечаклар ишлаб чиқариш ўтган йилги планда назарда тутилганидан салкам ярим миллион сўмлик кўпайтирилади. Беш хил янги кийим турларини тайёрлаш ўзлаштирилади. Чеварлар бу вазифани ҳам шараф билан бажариш учун янги йилнинг дастлабки кунидан зўр ғайрат-шижоат билан ишламоқдалар. Ҳар куни 20 минг сўмлик атрофида маҳсулот ишлаб чиқариб, топшириқни ортиғи билан бажаришяпти.

О. ХУШНАЗАРОВ.

ЙИЛ БОШИДАН ЗАРБДОР МЕҲНАТ ҚИЛАЙЛИК

ЎН ИККИНЧИ беш йилликнинг дастлабки йили бошланди. Бу йилга барча меҳнат коллективлари, беистисно, пухта тайёргарлик кўрдилар, социал-иқтисодий ривожланишимизни тезлаштиришга оид жуда катта режаларни белгиладилар. Зотан, 1986 йил она-Ватанимиз тарихига КПСС XXVII съезди йили номи билан киради. Партиямизнинг улкан анжуманида эса бунёдкорлик ишларимизнинг бундан буёнги буюк кўламларини белгилаб беради.

«Йилнинг муваффақиятли якуни йил бошидан қилинадиган зарбдор меҳнатга боғлиқ!». Ана шундай шиор остида социалистик мусобақани тобора авж олдираётган совет кишилари экономикамизни яна ҳам жадал суръатлар билан ривожлантиришга, халқ фаровонлигини тобора юксалтиришга, мамлакат иқтисодий потенциалини мустаҳкамлашга, давлатимиз мудофаа қобилиятини лозим даражада сақлашга ҳаракат қилмоқдалар. КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан партия Устави, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси эса бу ҳаракатга ўзгача руҳ бахш этмоқда.

Ўтган йили республикамиз, жумладан, пойтахт областимиз меҳнаткашлари социал-иқтисодий ривожланишда маълум ютуқларни қўлга киритдилар. Эндиликда, эришилган ана шу кўрсаткичларни янада мустаҳкамлашмиз, халқ хўжалигининг барча соҳаларида туб сифат ўзгаришлари ясашимиз, партия белгилаб берган йўлдан бориб, ҳаёт ўртага қўяётган муаммоларни омилкорлик билан ҳал қилишимиз керак бўлади. Собиқдамлик, юксак интизом, фидокорлик, ўта масъулият кўрсатилган тақдирдагина мавжуд резервларни тўла ишга солишимиз, улардан энг кўп наф келтирадиган тарзда фойдаланишимиз мумкин.

Областимизни иқтисодий ва социал ривожлантириш бўйича 1986 йил учун белгиланган кенг миқёсли планларда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, хўжалик юритишнинг интенсив усулларини жорий этиш ва экономика структурасини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш кўзда тутилди. Бу йил товар маҳсулотининг умумий ўсиш ҳажми икки процентни, меҳнат унумдорлиги эса 1,1 процентни ташкил этиши лозим. Товарларга ва саноат хизматларига бўлган эҳтиёжларни тўлароқ қондириш мақсадида «Б» группасидаги маҳсулотларни 3,5 процент миқдорида кўпайтириш назарда тутилди. Аҳоли талабларини ҳисобга олган ҳолда 13,2 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, 600 минг квадрат метрдан знёд турар-жойлар қуриш планлаштирилди.

Янги йилда металлургия, машинасозлик тармоқлари янада ривож топади. Олмалиқ кон-металлургия, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатларини реконструкция қилиш, Ўзбекистон металлургия заводида пўлат эритиш комплексининг иккинчи навбатини, 300-станнинг биринчи навбатини ўзлаштириш давом эттирилади. «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида йилига 155,7 минг тонна аммиак селитраси берадиган қувватларни ишга тушириш мўлжалланди.

СССР Озиқ-овқат программасининг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшиш учун агросаноат комплекси янада ўстирилиши керак. Хўжалик юритишнинг янгича шартлари асосида ишлайдиган корхоналар сафи кенгаяди. Гўшт, сут, тухум, картошка, сабзавот, боғ ва полиз маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтиришимиз талаб этилади.

Режалар аниқ, вазифалар равшан. Лекин уларни кўнгилдагидек бекаму-кўст адо этишнинг ўзи бўлмайди. Шу боис 1986 йил план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга ҳозирдан бошлаб ғайрат билан киришмоқ лозим. Хўжалик юритишда фан-техника ютуқларига таянган, интенсив методларни қўлланиш, иқтисод ва тежамкорлик принципларига қатъий риоя қилиш, ишлаб чиқаришга илғор технологияларни зудлик билан жорий этиш, шунингдек, маҳсулот етиштириш билан алоқаси бўлмаган харажатларни камайтириш, қора ва рангли металларни, электр қуввати, иссиқлик, газ, ёнилғи ва мойлаш материаллари сарфиётини доимий назорат остига олиш шу кунинг долзарб масалалари эканлигини унутмаслик керак.

Жойлардаги партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари йиллик топшириқларни ойма ой, кварталма квартал мутаносиб тақсимлашлари, ҳар бир корхона, цех, бригада, ташкилот, хўжаликка, ҳар бир меҳнат кишисига уларнинг вазифаларини аниқ белгилаб беришлари жуда муҳимдир. Бу тадбир ҳар бир бўғиннинг бир маромда ишлашида, қолоқларни илғорлар қаторига етказиб олишда, камчиликларни тезда бартараф этишда алоҳида аҳамият касб этади.

План ва социалистик мажбуриятларнинг тақдири, иқтисодий кўрсаткичлар, пировард натижалар, меҳнат коллективларидаги соғлом ва ишчанлик муҳити учун раҳбар кадрлар бевосита жавоб беришлари керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI, XIX пленумлари кўрсатмаларидан келиб чиқиб, ҳамма соҳаларни билимдон, ҳалол, ғайрат-шижоатли, партия ишига ғоят садоқатли, иш билан сўз бирлигига эришувчи кишилар билан мустаҳкамлаш жараёни ўзгармас йўл бўлиб қолмоғи лозим.

Эндиликда «КПСС XXVII съезди шарафига — 27 зарбдор ўн кунлик!» «Иш вақти — ишга!», «Тежамкорлик — давр талаби!», «Бир беш йилликда — икки беш йиллик!», «Ҳар бир ишчи ўз ўрнида бўлсин!», «Сафимизда қолоқлар бўлмайди!» сингари ташаббусларни янгича мазмун билан бойитиб, давом эттириш, янги туғиладиган ватанпарварлик ҳаракатларини авж олдириш, илғор тажрибаларни умумлаштириш, йил якунларини чуқур таҳлил қилиш маъмурият ва партия ташкилотларининг ҳамиша диққат марказида турмоғи лозим.

Меҳнат коллективларидаги вазият, кайфият, демакки, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари биринчи галда коммунистларнинг қандай ишлаётганлиги билан ўлчанади. Меҳнатда ва турмушда коммунистларнинг активлигини ошириш партия ташкилотларининг бевосита бурчидир. Бунинг учун ҳамма ерда коммунистларнинг социалистик мусобақанинг илғор ташкилотчилари бўлишларини, уларнинг барча ишга бошчилик қилишларини таъминлаш шарт.

Билимдонлик билан хўжалик юритиш — бу маҳсулот сифатини доимо яхшилаб бориш демакдир. Бундан буён сифат учун кураш, унинг жаҳон стандартлари даражасида бўлишини таъминлаш ҳар бир меҳнат коллективининг, ҳар бир ишчи-хизматчининг муқаддас, шон-шараф ишига айланмоғи лозим. Партиямиз сифат ҳақидаги масалани худди шу тарзда қўймоқда. Сифат қанчалик юқори бўлса, бутун ижтимоий меҳнат шунчалик унумдор бўлишини унутмайлик.

...Съезд йили — ўн иккинчи беш йилликнинг тўнғич йили старт олди. Шубҳа йўқки, областимиз меҳнаткашлари партиямиз кўрсатмаларини оғишмай амалга ошира бориб, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездида белгиланадиган улуғвор вазифаларни бажаришга, мамлакатимиз халқ хўжалигини тобора равнақ топтиришга қўшадиган улушларини янада кўпайтирадилар, барча соҳаларда юксак марраларни эгаллайдилар. Бу — она-Ватанимизнинг бадавлатроқ ва бақувватроқ бўлишига, Ер юзида тинчлик ишининг мустаҳкамланиб, муқаррар ғалаба қозонишига қўшиладиган муносиб ҳисса бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев совет халқига Янги йил мурожаатида айтганидек: «Келинг, бир-биримизга бошланаётган йилда орзуларимиз рўёбга чиқишини, Янги йил янги-янги муваффақиятлар, ижодий меҳнат, мустаҳкам тинчлик ва яхшилик томон ўзгаришлар йили бўлиб қолишини тилайлик. Бу йил ҳар бир хонадонда, ҳар бир оилада шод-ҳуррамлик ва бахт-саодатга бой йил бўлиб қолсин!».

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1986 йил 4 январда область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленумда Тошкент область XXII партия конференцияси материаллари кўриб чиқилди. Бу масала юзасидан область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов доклад қилди.

Область партия комитетининг область XXII партия конференциясига ҳисобот доклади лойиҳасини муҳокама қилишда «Ўзбекхиммаш» заводи кранчиси С. С. Приходько, область партия комитети қишлоқ хўжалиги бўлими мудирининг ўринбосари И. В. Ажинов, Чирчиқдаги 160-қурилиш трести бошқарувчиси А. Керимов, Ленин район партия комитетининг биринчи секретари В. Д. Ардатов, Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари Э. Хатамов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси математика институти директори Т. Ж. Жўраев, Чирчиқ шаҳар партия комитети секретари Н. К. Савченко, Коммунистик район партия комитетининг биринчи секретари В. Н. Бабанец қатнашдилар.

Пленум область XXII партия конференциясига ҳисобот докладини тасдиқлади ва конференция кун тартибига қисман ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Пленум шаҳар ва район партия комитетлари ҳузуридаги партия комиссиялари ишини янада яхшилаш юзасидан область партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилди. Бу масала юзасидан область партия комитетининг иккинчи секретари С. М. Нестеренко доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари А. И. Фозилбеков, Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари Б. С. Камолов, Чирчиқ шаҳар партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси В. В. Васильева, Тошкент область прокурори Э. Ж. Жўраев, В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати партия комитетининг секретари Ж. М. Мирзалиев қатнашдилар.

Пленум КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми қарорлари асосида 1985—1990 йилларда Тошкент областида умумий таълим ва ҳунар-техника мактабларини ислоҳ қилиш комплекс планини маъқуллади.

Пленумда ташкилий масалалар ҳам кўрилди.

Пленум ишда камчиликларга йўл қўйганлиги учун М. Қ. Қодировни область партия комитетининг бюро аъзоси ва секретари вазифаларидан озод этди.

Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаб келган С. Д. Сайдалиев область партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси этиб сайланди.

Пленум жиноий жазоланадиган ҳатти-ҳаракатлар қилганликлари учун Ж. Ж. Жамолов, Ҳ. Қ. Қосимов, А. Э. Назаров, Ҳ. Ҳамроқуловларни КПСС safidan ўчирди.

Пленум ишда жиддий камчиликларга йўл қўйганликлари учун Л. Ш. Алиқулова, К. Икромов, Р. Қ. Қамбаров, У. М. Мирзақулов, У. В. Муслимовни область партия комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатлар составидан чиқарди.

Область партия ташкилоти ревизия комиссиясида

Область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисда комиссия раиси А. Н. Кудинов 1985 йилда бажарилган ишлар якуни ҳақида ахборот берди.

Комиссия область XXII партия конференциясига ревизия комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама этди ва тасдиқлади.

Бир қатор комиссия аъзоларининг ўз бурчларини қандай бажараётганликлари юзасидан ахборотлари тингланди.

И. И. Ли ишда жиддий камчиликларга йўл қўйганлиги учун область партия ташкилоти ревизия комиссияси составидан чиқарилди.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАТЛАРИ

БАХТ ЙЎЛИ

Чор атроф ёриша бошлади. Назира сўнгги говмушни ҳам соғиб бўлиб, уларни емга қўйишга уннай бошлаганда туғуруқхонага комплекснинг катта зоотехниги Саидраҳмон Болбеков кириб келди.

— Ҳорманг, Назира. Хўш, «Берёзка»нигизни бузоғи қандай? Заифроқ туғилган эди, назаримда.

— Бекорга хавотир олибсиз, Саидраҳмон ака, — жавоб берди Назира. — Бузоқ туғилиши билан яхшилаб массаж қилдик, онасини эмди. Шундан сўнг чопқиллаб кетди.

— Раҳмат синглим. Энди бузоқ олиш планининг бажарилишига бемалол кафолот бериш мумкин.

Туғуруқхонада ишлаш жуда масъулиятли-да. Соғувчидан катта маҳорат, тажриба талаб қилади. Тажрибаси бўлмаган киши бу ишнинг уддасидан чиқолмайди. Табиатан босиқ, ишчан ва камсуқум Назирада чорвадорга хос бўлган ҳамма хислатлар бор. Бу хислатлар унга чорвадорлик касбини улуғлаган ота ва онасидан юққан бўлса ажаб эмас.

Ўша кезларда отаси Қудрат ака сут-товар фермасида молбоқар, онаси Холдоной эса соғувчи бўлиб ишлашарди. Назира дарсдан бўш вақтларини улар ёнида ўтказарди. Отасининг юмушларига, онасининг ишларига қарашарди. Қандай иш бўлмасин елиб-югуриб бажарарди. Асло, ҳоридим демасди. Чамаси, унда чорвадорлик касбига бўлган ихлос ана шу пайтда уйғонган эди. Касб танлашга бағишланиб мактабда ўтказилган кечада у ҳеч иккиланмасдан соғувчилик касбини танлади. Унинг бу қарори синфдошларига ҳам маъқул тушди. Изма-из мактабдоши Мелиҳол ҳам фермага ишга келди.

Дастлаб Назирага 15 бош, Мелиҳолга эса 10 бош соғин сигир бириктириб қўйишди. Илгари ферма юмушларига кўмаклашиб кўзлари анча пишиб қолган дугоналар ишни бемалол эплаб кетишди. Соғувчилар уларни фидокор ва меҳнатсевар қизлар сифатида эъзозлай бошлашди. Ишончни қозонишгач, боқимларидаги сигирлар бош сони яна ҳам кўпайди. Ўша йили ўз боқимидаги 22 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 3 минг килограммдан ошириб сут соғиб олган Н. Эломонова социалистик мусобақа ғолиби бўлди. Шу йили у КПСС сафига қабул қилинди. Энди Назиранинг зиммасидаги масъулият яна ҳам ошган эди. Шу боисдан янада самаралироқ меҳнат қила бошлади. Ҳар бош соғин сигирдан 3,5 минг килограммга етказиб сут соғиб олиб, коллектив ҳурматини қозонди.

— Мен илгари ишга келганимда сигирлар қўлда соғиларди, деб эслайди Назира. — Молхоналар кўл кучи билан тозаланар, ем-хашак ҳам қўлда тарқатилар эди. Бунинг устига сигирлар жайдари бўлиб каммаҳсул эди. Ҳозир эса 1200 бошга мўлжалланган комплексга эгамиз. Говмушлар механизация ёрдамида соғилаяпти. Ем-хашак тарқатиш, суғориш, чиқиндиларни тозалаш тўла механизация зиммасига юкланган. Хуллас, ҳар қадамда партия ва ҳукуматимизнинг чорвадорларга кўрсатаётган катта ғамхўрлигини сезиб турибмиз. Чорвачиликни ривожлантиришда бундан буён ҳам муҳим тадбирлар кўрилаверади. КПСС Программаси, Асосий йўналишлар лойиҳаларини ўқиб бунга тўла ишонч ҳосил қилаяпмиз.

Мана, икки йилдирки, Н. Эломонова комплекс туғуруқхонасида меҳнат қилаяпти. Ўз дугоналари билан бузоқлар ўн кунлик бўлгунча, говмушларни соғиб, уларнинг ем-сувидан, иссиқсовуғидан хабардор бўлиб турибди. Ота-она изидан бориб, чорвачилик касбини эъзозлаётган Назирага бу йил чинозлик коммунистлар катта ишонч билдириб, область партия конференциясига делегат этиб сайлашди. Юксак ишонч унинг орзуларига қанот бағишламоқда.

Р. КАМОЛОВ,
О. МАЪМУРОВ,
«Партия XXIV съезди» совхози.

РЕМОНТ ИШЛАРИ ҚИЗҒИН

ҒАЛАБА районидаги «Ленинград» колхози меҳнаткашлари янги ҳосилга мустаҳкам замин ҳозирлашмоқда. Бу ерда айни кунларда қишки тадбирлар уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Ер майдонлари текисланиб, далаларга маҳаллий ўғит ташиляпти. Бу ишларда механик-ҳайдовчи В. Кулагин бошқаларга намуна кўрсатиб ишламоқда. У кунига 10 тоннадан ўғитни далага тўкаяпти.

Хўжаликда техника ремонти ишлари ҳам қизғин бормоқда. Ҳозиргача мавжуд трактор ва механизмларнинг 80 процентга яқини ремонтдан чиқариб қўйилди. Т. Сиддиқов, Н. Жуманов ва Э. Холтурсунов ўртоқлар ўз ишларига сидқидилдан ёндошиб, тракторларини биринчилар қатори созлаб қўйишди.

Колхозчилар барча ремонт ишларини 15 январга қадар тугаллаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

А. ГУЛБОЕВ.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

ЎТГАН йили ҳар гектар ердан пландаги 31 ўрнига 34 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олган «Правда» колхозининг М. Туропов бошлиқ бригадаси аъзолари қишки тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказишмоқда. Бу билан эса янги мавсумга мустаҳкам замин ҳозирлашмоқда. Уларнинг мақсади бу йил гектарлар ҳосилдорлигини 40 центнерга етказишдан иборатдир.

Ҳозиргача барча экин майдонлари икки ярусли плуг билан сифатли шудгорлаб қўйилди. Техника воситалари ремонтдан чиқарилди. Ариқ-зовурлар тозаланиб, тартибга келтирилди. Бу ишларни бажаришда, А. Усмонов, Л. Мирраҳимов ва Т. Асилов сингари бригада аъзолари алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

Шунингдек, хўжаликнинг Г. Муродов бошчилик қилаётган 20-бригадаси, «Ўзбекистон» колхозининг Т. Шоббозов бошлиқ 13-бригадаси, «Политотдел» колхозининг 16-бригадаси меҳнаткашлари ҳам мавсумий тадбирларни амалга оширишда бошқа меҳнат коллективларига ўрнак бўлишмоқда. Колхозчиларнинг асосий мақсади бу йил ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштиришдан иборатдир.

З. ТОЖИБОЕВ,
М. ҲАСАНОВА,
Коммунистик райони.

Чирчиқ трансформатор заводида КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган мусобақа кун сайин қизимоқда. Бу ватанпарварлик ҳаракатида фаол қатнашаётган В. Пермяков раҳбарлигидаги йиғувчи слесарлар бригадаси юксак иш кўрсаткичларига эришмоқда. Бригада аъзолари топшириқни 1,5 баравар ва ундан ҳам ошириб адо этишяпти. Уларнинг меҳнат календарида 1989 йил бошланди. Ушбу суратда пешқадам бригада слесарларидан Э. Ибрамов (чапдан) Ю. Охват ва Қ. Анашевларни кўриб турибсиз.

В. Сироткин фотоси.

МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙЛИК

Коммунистик қурилиш улуғвор вазифаларини, партиянинг мамлакатни жадал иқтисодий ва социал ривожлантиришга қаратилган йўлини амалга ошириш халқ маорифига нисбатан янги юксак талаблар қўймоқда, ёш авлодни тарбиялаш бутун системасини тубдан яхшилашга йўналтирмоқда. Ўзбекистон ССР педагогика жамиятининг 6 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган III съездида шулар таъкидланди.

Республика маориф министри О. С. Аббосованинг докладида, делегатларнинг нутқларида КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель ва октябрь Пленумларининг, умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш асосий йўналишларининг талаблари асосида жамият фаолияти анализ қилинди. Ўқитувчилар, мактабгача тарбия болалар муассасаларининг тарбиячилари, ҳунар-техника билим юртларининг ходимлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг муаллимлари куч-ғайратларини ўз ишларининг форма ва методларини ҳар томонлама такомиллаштиришга, бу иш жамиятимизни ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари билан чамбарчас боғлиқ бўлишига қаратаётганликлари қайд этиб ўтилди.

Шу билан бирга делегатлар жамият фаолиятидаги жиддий камчиликларни кўрсатиб ўтдилар. Ўқитувчиларнинг меҳнатига баҳо беришда расмиятчилик тугатилмаган, таълим ва тарбиянинг янги, яна ҳам самарали воситалари сусткашлик билан изланмоқда, энг яхши педагогика коллективларининг тажрибаси секинлик билан оммалаштирилмоқда. Кадрларга нисбатан барча коллективларда ҳам юксак талабчанлик қилинаяпти, деб бўлмайди, педагогларнинг иш услуби ва методларига етарлича эътибор берилмаяпти.

Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева нутқ сўзлади.

Съезд ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова қатнашди.

Съезд Ўзбекистон ССР педагогика жамияти раҳбар органларининг янги составини сайлади. Б. М. Мирзаахмедов жамият раиси бўлди.

(ЎзТАГ).

СЪЕЗДОЛДИ ҲУЖЖАТЛАРИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ИҚТИСОДИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ ШАРОИТИДА

Ўн биринчи беш йиллик корхонамиз ҳаётида ўчмас излар қолдирди. Янги техника ва технологияни жорий этиш, моддий ва ишчи ресурсларидан самарали фойдаланиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш каби омиллар ҳисобига ўтган давр мобайнида қўшимча 2 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишга муваффақ бўлдик. Иқтисодий тежамкорлик режимини кучайтириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш эса 1 миллион сўмликдан кўпроқ самара берди.

Корхонамизда ҳар бир коллектив, ҳар бир ишчи ўзаро мусобақадошдир. Мусобақа туфайли кейинги олти квартал якунлари бўйича коллективимиз СССР станокозслик саноати министрлиги ҳамда тармоқ касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди. Бундан икки йил муқаддам коллективномли шаҳар Ҳурмат тахтасига ёзилган эди. Кейинчалик республика кўчма Қизил байроғини қўлга киритдик ва коллективномли Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг Ҳурмат тахтасига ёзилди.

1985 йил январдан бошлаб комбинат иқтисодий эксперимент шароитида ишламоқда. Партия комитети коллективнинг янги шароитда муваффақиятли ишлашини ташкилий ва идеологик жиҳатдан таъминлаш мақсадида кўпгина тадбирларни амалга оширмоқда. Энг аввало биз сиёсий маориф ва иқтисодий таълим системасида билим олаётган тингловчилар активлигини оширишга ҳаракат қилмоқдамиз. Комбинатда 7 та сиёсий, 11 та иқтисодий мактаб бор. Илмий коммунизм,марксизм-ленинизм асослари, ёш коммунистлар мактабларида 128 киши, иқтисодий таълим мактабларида эса 228 киши билим олмоқда. Улар станокозслик ва асбобсозлик саноатида «иқтисодий эксперимент, тежамкорлик — коммунистик ҳислат, бошқарув, интизом, тарбия — меҳнат шиоримиз»— деган темаларни зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

Ўқув машғулотлари самарадорлигини ошириш мақсадида методик советлар тузганмиз. Бу советларга тажрибали коммунистлардан П. К. Ананьев ва Л. В. Павлева раҳбарлик қилмоқдалар. Айни пайтда иқтисодий экспериментнинг афзалликлари, фан-техника тараққиёти, тежамкорлик бўйича «Билим» жамияти аъзолари 70 га яқин лекция ўқиб беришди. Лекторларнинг кўпчилиги иқтисодчилардир. Улар ҳар бир лекцияни корхона ҳаётига боғлаб ўқимоқдалар.

Янги шароитда комбинат фаолиятига бериладиган баҳо ўзгарган. Илгари ялпи товар маҳсулоти, реализация, фойда, таннарх бўйича кўрсаткичлар ҳисобга олинган бўлса, эндиликда шартнома бўйича буюртмачиларга маҳсулот етказиб бериш, меҳнат унумдорлигини ошириш сурўатини ўстириш, ҳар бир сўмлик товар маҳсулотига сарф бўладиган ҳаражатларни камайтириш каби кўрсаткичлар асосий ўринга чиқиб олган. Ишчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш шартлари ҳам ўзгарди. Агар буюртма бўйича маҳсулотларни етказиб бериш плани бажарилмаса, ҳеч ким мукофот ололмайди. Шу боисдан ҳам янги шароитда ҳар бир соҳа бўйича социалистик мусобақани яна ҳам кенг қулоч ёйдириш, унинг самарадорлигини ошириш асосий вазифа бўлиб қолди.

Ҳозирги пайтда биз ишга пировард натижага қараб баҳо беряпмиз. Янгича шароитнинг талабларини чуқур тушуниб етган ишчилар пировард натижанинг самарадорлиги учун актив курашмоқдалар. 200 дан ортиқ ишчи беш йиллик топшириғини муддатидан олдин бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Маҳсулотни реализация қилиш юзасидан белгиланган топшириқлар комбинат бўйича ойма-ой адо этиб келиняпти. Буюртма қилинган маҳсулотлар 100 фоиз эгаларига етказиб бериляпти. Ҳар бир сўмлик товар маҳсулоти учун сарф-ҳаражат 15 процентга арзонлашди. Меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган топшириқ ҳам бажарилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 40 процентига давлат Сифат белгиси қўйилган.

«КПСС XXVII съездига 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида бошланган мусобақада қарийб барча ишчилар, инженер-техник ходимлар актив иштирок этмоқдалар. Бу ҳаракатда айниқса коммунистик меҳнат зарбдорлари яхши натижага эришмоқдалар. 322 киши шундай шарафли номга сазовор бўлган. Улар смена топшириқларини барча кўрсаткичлар бўйича адо этиб, кўпчиликка намуна бўлмоқдалар.

Комбинат партия комитети иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишини муттасил таҳлил қилиб боряпти, қолоқликка йўл қўйилаётган участка ва цех раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаб турибди. Айрим участкаларда ҳали ҳам ички резервлардан тўла фойдаланилмаяпти. Шу боисдан ҳам ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш бўйича ўн биринчи беш йиллик вазифалари бажарилмай турибди. Фондлар самарадорлигини ошириш, капитал маблағларни ўзлаштириш, ўрнатилмаган ускуналар ҳажмини қисқартириш бўйича ҳам қолоқлик сезилмоқда.

Комбинат коммунистларининг ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин эътиборимизни шу нуқсонларга қаратди. Мусобақани идеологик жиҳатдан таъминлашда, бу соҳадаги расмиятчиликни тугатиш йўлида ҳали кўп иш қилишимиз керак. Биз ғолибларни моддий жиҳатдан рағбатлантиришнинг ранг-баранг формаларидан фойдаланяпмиз-у, аммо уларни маънавий жиҳатдан рағбатлантиришнинг мақбул йўлларини топа олмаяпмиз.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида тежамкорлик режимини кучайтириш юзасидан ўтказилаётган мусобақа самарадорлигини ошириш заруррлиги ҳам ўқтирилди. Тежамкорлик бўйича ҳар бир бригада ўз ҳисобини очиши керак. Бунинг учун эса ҳар бир цех, участка, бригадада ускуналар учун сарф бўлаётган энергия, сув, иссиқлик ва бошқа ресурслар аниқ тарзда ҳисоб-китоб қилиб борилиши лозим. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш бўйича ҳам шундай гапларни айтиш мумкин. Янги техника, рационализаторлик таклифларини жорий этиш юзасидан белгиланган планлар бажарилаётган бўлса-да, лекин уларнинг самарадорлиги кутилган натижани бермаяпти.

КПСС Программаси ва Устави лойиҳаларини муҳокама қилиш давомида коммунистлар камчиликларни тугатишга қаратилган бир қатор таклифларни ўртага ташламоқдалар. Улар мавжуд ишчи кучларидан ҳар бир участкада самарали фойдаланиш зарурлигини, ҳар хил ташкилий ишларга беҳуда куч ва вақтни сарфлаш ўринсиз эканлигини уқтирмоқдалар. КПСС Программаси лойиҳасини ўқиб ва ўрганиб унинг бешинчи бўлимидаги «Ғоявий-тарбиявий иш, маориф, фан ва маданият» бандига кичик бир қўшимча киритишни таклиф қилмоқчи эдик. «Ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги гражданлик бурчини адо этишдаги ибратли ишлар жуда катта тарбиявий аҳамият касб этади» деган сўзлардан сўнг **«Танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, масалаларни очиқчасига, эркин муҳокама қилишга кенг шароит яратилади, имзосиз аноним хатлар ахборот тарзида эътиборга олинади, лекин уларни комиссиялар тузиб чуқур текширишга вақт сарфланмайди»**, деган жумла киритилишини истар эдик. Шунда биз иш вақтини фойдали ишга кўпроқ сарф қилган бўламиз.

М. СЕСЮНИНА,
Тошкент абразив буюмлари комбинати партия комитетининг секретари.

СЎЗ—ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ СЕКРЕТАРИГА

КПСС XXVII съезди шарафига зарбдор вахтада туриб ишлаётган 2-механизациялашган уйсозлик колоннаси бунёдкорлари Янги йил арафасида Ғазалкентдаги Московская кўчасида янги турар-жой биносини фойдаланишга топширдилар. Бинони ўз вақтида ишга туширишда Г. Алексеева етакчилигидаги пардозловчилар бригадаси аъзолари катта ҳисса қўшишди. Ушбу суратда бригаданинг илғор бўёқчилари (чапдан ўнгга) Эльвира Бер, Нина Давлетгареева ва Амалия Лейсларни кўриб турибсиз.

В. Портнов фотоси.

ТИНГЛОВЧИЛАР БИЛАН БАМАСЛАҲАТ

«Асосий вазифаларини сидқидилдан бажариш билан бир қаторда жамоат топшириқларига юксак масъулият билан ёндашаётган коммунистларимиз кўп. Улар орасида Тельман номли 4-ўрта мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, Вотинцев номли колхоз партия комитетининг пропагандисти Муртазо Изатовни келтириш мумкин. Унинг коммунистлар ва барча меҳнаткашлар сиёсий онгини оширишдаги хизматлари район ва область партия комитетлари томонидан муносиб баҳоланиб келинмоқда».

Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари З. Т. Мақсумов энг яхши пропагандистлар ҳақида сўраганимизда шу гапларни айтди. Ҳақиқатан ҳам М. Иззатов учун пропагандистлик иккинчи истеъдодга айланиб қолган. У 1968 йилдан бошлаб колхозда марксизм-ленинизм асослари мактабидаги машғулотларни олиб боряпти. Бу йиллар давомида пропагандист сиёсий ўқув машғулотларини қизиқарли, таъсирчан ўтказиш бўйича бой тажриба тўпланган.

М. Иззатов пропагандистлик қилаётган мактабда 30 тингловчи шуғулланади. Сиёсий ўқув программасида белгиланган мавзуларни чуқур очиб бериш учун у техник воситалар, диаграммалар, бошқа кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланади. Машғулотларни ўтказишга тингловчиларнинг ўзлари ҳам жалб этилади. Жумладан, ўтган ўқув йилида тингловчи, колхоз агрономи О. Туратов «Мўл ва сифатли пахта етиштириш технологияси», бош инженер Т. Божиев «Пахтачиликни механизациялаш вазифалари» мавзуларида докладлар қилдилар.

ПРОПАГАНДИСТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Пропагандист сиёсий ўқув тингловчиларнинг эътиқодини шакллантириш билан биргаликда коллектив олдида турган амалий вазифаларни ҳал қилишга кўмаклашиши учун ҳам интилмоқда. Шунинг учун машғулотларда хўжалик аъзолари олдида турган вазифалар атрофлича муҳокама этилади. Пропагандист мактабнинг ҳар бир тингловчиси ишлаб чиқаришда кўпчиликка намуна бўлиши учун курашади. Колхозда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор, бригада бошлиғи Абдували Расулматов, коммунистлардан Йўлчи Кенжаев, Ортиқбой Аҳмедов, Шайхи Бўрибековларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлаётган ходимлар сифатида ҳурмат қилишади. Улар марксизм-ленинизм асослари мактабининг тингловчиларидир.

— Ушбу ўқув йилида марксча-ленинча таълим системаси олдида жуда масъулиятли вазифалар турипти,— дейди пропагандист М. Иззатов.— Биз ҳар бир тингловчига партиянинг съездолди ҳужжатларини чуқур тушунтириб беришимиз, уларнинг куч-ғайратини ўн иккинчи беш йилликнинг улуғвор режаларини амалга оширишга йўналтиришимиз керак. Шу сабабли ҳар бир машғулот юксак савияда, тингловчиларнинг активлигида ўтиши учун барча чораларни кўраяпмиз.

Пропагандист сиёсий ўқув таъсирчанлигини ошириш мақсадида мактаб тингловчилари билан Тошкентдаги В. И. Ленин Марказий музейи филиалига экскурсия уюштиришни режалаб қўйган. Хўжаликда ўтказилаётган машғулотларда эса партиянинг съездолди ҳужжатлари асосида тайёрланган стендлар, кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланиляпти.

Т. МИРЗААҲМЕДОВ.

ЮНУСОБОД ЯНГИ БЕШ ЙИЛЛИКДА

ЮНУСОБОД йилдан йилга кенгайиб, чирой очиб бормоқда. Осмонўпар биноолар, ажойиб архитектура қўринишига эга бўлган маданий-маиший муассасалар массив кўркига кўрк қўшиб турибди. Кейинги беш йиллиқда ҳам массивни янги кварталлар билан бойитиш назарда тутилган. Жумладан, ўн иккинчи беш йилликда 780 минг квадрат-метр турар-жой қуриш режалаштирилмоқда. Ҳозирданоқ Тошкент халқа йўли атрофида биноолар қуриш учун замин тайёрланаяпти.

Массивнинг ўнинчи кварталида янги йил арафасида 20 минг аҳолига мўлжалланган турар-жой биноолари қурилиши бошлаб юборилди. Бу йил иккита мактаб, болалар комбинати қурилиши ҳам назарда тутилган. Бу биноларни қуришни 1-ва 2-уйсозлик комбинатлари ҳамда 159-қурилиш трести бунёдкорлари ўз зиммаларига олишган.

С. СУЛТОНОВ.

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ:

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳасининг «Социал ривожланиш, халқ турмуш даражасини ошириш бобидаги» ...**индивидуал қурилишни амалга ошириш кенгайтирилсин. Корхона ва ташкилотлар уларга ёрдам кўрсатсин»** деган сўзлардан сўнг **«...шу корхона ёки ташкилот раҳбарларидан бири кўрсатилаётган ёрдам учун масъул қилиб қўйилсин»** сўзларини қўшиб ёзиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Чунки амалий ёрдам юқоридан назорат қилиб борилса, қурилиш тез ва сифатли битади.

М. ОРИФЖОНОВ,
Тошкент районидаги Киров қишлоқ Совети ижроия комитети раиси.

Партиямиз янги таҳрирдаги Программасининг «Маданий қурилиш, адабиёт ва санъат соҳасида» бобида «Совет маданияти халқларнинг ўзаро бир-бирини тушунишга ва яқинлашувига ёрдам беради, империализмга, реакцияга... қарши курашда фаол иштирок этади» деган жумлалар бор.

Маълумки, бизнинг маданиятимиз социалистик жамият маънавий ҳаётининг ғоявий бойлигини ўзида мужассамлаштирган қолда, ҳаниша жаҳонда тинчликнинг қарор топиши йўлида сидқидилдан хизмат қилмоқда. Шу муносабат билан юқоридаги жумлалардан сўнг **«Социалистик маданиятнинг ер юзида тинчликнинг толмас тарғиботчиси сифатидаги мавқеи тобора ортиб боради. Совет маданиятининг тинчлика садоқат йўлидаги фаолиятини партия давр талаби деб билади»** деган жумлалар қўшиб қўйилишини истардим.

В. ЕМЦОВ,
область маданият бошқармасининг бошлиғи.

ДАСТЛАБКИ КУНЛАРДАНОҚ

«Чирчиқжилстрой» бошқармаси коллективи ҳар йили кўплаб турар-жойларни бунёд этмоқдалар. Бинокорлар ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳам ўнлаб кўп қаватли уйларни фойдаланишга топширдилар. Юзлаб чирчиқлик оилалар байрамни улар барпо этган янги уйларда нишонладилар.

Бошқарма коллективининг меҳнат ютуқларида пудрат асосида ишлаётган бригадаларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Айниқса, В. Стригина ва Д. Сеитмеметовалар раҳбарлигидаги комплекс бригадалар ишда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Улар ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки куниёқ нормани 150 процент атрофида адо этдилар.

СОН ЭМАС, СИФАТ КЕРАК

Район партия комитети бюросининг лекция пропагандасида партиявий раҳбарликни янада кучайтириш чораларига бағишланган мажлисига тайёрланган ҳужжатларда ҳар бир меҳнат коллективи, аҳоли турар-жойларида мунтазам лекция ўқиб турилганлиги ҳақида салмоқли рақамлар келтирилганди. Ў ҳолда қатор саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида меҳнат интизоми бўшлиги, маҳаллаларда турли қонунбузарликлар учраб турганлигини қандай изоҳлаш керак?

Бу саволга жавоб бюро мажлисига масала тайёрлаш пайтида 213 та бошланғич партия ташкилотининг ҳар бирида лекция пропагандаси қандай йўлга қўйилганлигини ўрганиш вақтида олинди. Ўшанда суҳбатлар ўтказишда сон кетидан қувилиб, лекцияларнинг мазмуни ва савиясига етарлича эътибор берилмаслиги маълум бўлди. Умуман ташвиқот ва тарғибот ишларида изчиллик, системалилик етишмасди.

Бу камчиликлар чуқур таҳлил этиб чиқилгач, бюро мажлиси қарорига мувофиқ КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми талаблари ва 1984 йилда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси тавсиялари асосида лекция пропагандасини чуқурлаштириш ва қайта қуриш комплекс тадбирлари ишлаб чиқилди. Мазкур тадбирларга биноан биринчи навбатда суҳбат ўтказиладиган коллективларни паспортлаш ҳамда лекторларни аттестациядан ўтказишга киришилди.

Ҳозирги пайтда районимиз корхона, ташкилот ва муассасаларида лекция ўқиладиган аудиторияларни паспортлаш тугалланди. 467 та ана шундай аудитория ҳисобга олинди. Бу ерда йилига 5 мингтага яқин лекция ўқиляпти.

Лекторларни аттестациядан ўтказиш ҳам ташвиқотчиларни тўғри танлашда катта роль ўйнади. Ҳозирги пайтда оғзаки агитация ишлари билан район партия комитетининг 30 кишидан иборат штатсиз лекторлар группаси, район миқёсида лекция ўқийдиган «Билим» жамиятининг 434 аъзоси шуғулланяпти. Бу лекторларимизнинг 60 процента фан докторлари ва кандидатлари эканлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Меҳнаткашларга Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг профессорлари С. Аҳмедов, И. Е. Семянников, шу институт доценти Р. А. Мавашев, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти А. Д. Зимин, инженер Л. П. Иконников ва бошқа ташвиқотчилар ўқиётган лекциялар маъқул тушяпти.

Район партия комитети олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг олимлари, халқ хўжалигининг етакчи мутахассислари ҳисобига лектор кадрларимиз сифат составини муттасил яхшилаб бориш чораларини кўрмоқда. Шу мақсадда лекция пропагандаси олиб боришга иштиёқи бўлганлар учун мунтазам равишда семинар машғулотлари ўтказилмоқда. Уларнинг районимиз ва шаҳримиз раҳбарлари билан учрашувлари, савол-жавоб кечалари, давра суҳбатлари ташкил этиляпти. Ташвиқот ишлари олиб боришга раҳбар кадрларни кенг жалб этяпмиз. Бу муҳим партиявий топшириқ 200 нафардан кўпроқ сиёсий етук, меҳнаткашлар ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган раҳбарга ва бошқа коммунистларга берилган.

ЛЕКЦИЯЛАР ЖОНЛИ ВА ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

Ҳозир ҳар бир меҳнат коллективида йил давомида ўқиладиган лекцияларнинг плани мавжуд. Бу партия ташкилотларига ишчи-хизматчиларнинг у ёки бу мавзуларга қизиқишларини мукаммалроқ ҳисобга олиш имконини бермоқда. Лекция пропагандасини ташкил этишда «Таштекстильмаш» заводи партия ташкилотининг тажрибаси диққатга сазовор. Завод парткоми ҳар ойда корхонага олимларнинг коллектив чиқишини ташкил этади. Юқори малакали лекторлар бу куни корхонанинг 17 та цехида, конструкторлик бюроси, бошқа ишлаб чиқариш бўлинмаларида суҳбатлар ўтказадилар. Билимларни тарғиб қилиш химия саноати конструкторлик бюроси, Фрунзе савдо маркази, Тошкент тўқимачилик комбинатининг ётоқхоналарида ҳам режали олиб борилмоқда. Жумладан, Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитети корхонанинг 19 та ётоқхонасида асосан ёшлар истиқомат қилишини ҳисобга олган ҳолда бу ерда йигит-қизларни қизиқтирадиган мавзуларда суҳбатлар ўтказишга жиддий эътибор бермоқда.

Маълум соҳадаги билимларни тарғиб қилишда район корхона ва ташкилотлари, муассасалар, турар-жойларда фаолият кўрсатаётган 36 та лекторийнинг аҳамияти катта бўляпти. Уларнинг 17 тасида ижтимоий билимлар пропаганда қилиняпти. Тўқимачилар саройидаги ижтимоий-сиёсий, пойабзалчилар саройидаги ҳарбий-ватанпарварлик, совет савдоси техникумидаги илмий атеизм мавзусидаги лекторийлар иши диққатга сазовор.

Лекция пропагандаси ишини қайта қуришимиз дастлабки самараларни бера бошлади. Меҳнат коллективлари ва турар-жойларда ўқилаётган лекциялар сони аввалги йиллардагига қараганда кескин камайган бўлишига қарамасдан уларнинг план ва социалистик мажбуриятлар бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги роли ортиб бормоқда.

КПСС XXVII съездига қизғин тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги кунларда ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ва сиёсий активликларини янада ошириш муҳимдир. Тобора таъсирчан ва самарали бўлиб бораётган лекция пропагандаси шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Т. ИСКАНДАРОВ,
Фрунзе район партия комитетининг секретари.

СОВЕТЛАР ВА ҲАЁТ

ОММАВИЙ ИШЛАР МАРКАЗИ

АНГРЕН шаҳар ижрокомининг бевосита турар-жойларда аҳоли ўртасида олиб бораётган оммавий-тарбиявий ишлари область ижроия комитетининг йил бошидаги мажлисларидан бирида кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинганидан сўнг бу иш анча жонланди, таъсирчанлиги ошди. Область ижроия комитетининг қарори асосида аҳоли ўртасидаги ташкилотчилик ишлари услуб ва методларини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар белгилаб олинди. Ижрокомнинг навбатдаги мажлисига маҳалла ва турар-жой кварталлари комитетларининг раислари таклиф қилиниб, янги тадбирлар билан таништирилди.

Шундан сўнг турар-жойларда олиб борилаётган ҳар бир оммавий-тарбиявий иш аниқ мақсадга йўналтириладиган бўлди. Уй ва маҳалла комитетларига ҳисобот ва сайловлар ўз вақтида ўтказилганидан сўнг, улар ўқуви қатъий план асосида олиб борилди. Ҳар бир уй ва маҳалла комитетида тузилган жамоатчилик совети иши ҳам аниқ мақсадларга қаратилмоқда. Намунали иш олиб бораётган жамоатчилик советларининг илғор тажрибалари оммалаштириляпти.

Шаҳар территориясида тартибни сақлаш бўйича 9 та жамоатчилик пункти ташкил этилиб, уларнинг ҳар бирига ижрокомнинг қарори билан 65 корхона бириктириб қўйилди. Шундан сўнг жамоатчилик пунктларининг иши анча яхшиланди. Халқ дружиначилари билан биргаликда маълум мақсадни кўзлаб рейдлар уюштириш, кўчаларда, чекка жойларда патруллик қилиш мунтазам йўлга қўйилди. Ижрокомнинг август ойида бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида тартибни сақлаш жамоатчилик пунктлари билан аҳоли орасида ташкил этилган жамоатчи группанинг қоидабузарликнинг олдини олиш, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашдаги ўзаро ҳамкорлиги масаласи кўриб чиқилгач, ҳеч қаерда ишламаётган меҳнатга яроқли кишиларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш юзасидан конкрет тадбирлар амалга оширилди. Ҳозир касаначи усулида ишлаётганлар сони 1360 нафарга етди ёки аввалгига нисбатан ўн баравар ошди.

Халқ маорифи ва маданият бўлимлари, физкультура ва спорт комитети ҳам ўз ишларини қайта қурдилар. Шаҳар мактаблари турар-жойларда болалар тарбияси билан шуғулланиш марказига айланди. Педагогика коллективи ота-оналар комитети ва жамоатчилик советлари билан ҳамкорликда ҳовли болалари ва ўсмирлари бирлашмалари ишини уюштириш, милиция бўлими болалар хонасида рўйхатда турадиган тарбияси оғир болалар билан якка тартибда ишлаш, нобоп оилалар билан шуғулланиш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Натижада рўйхатда турувчи болалар ва ўсмирлар 50 кишига камайди.

Турар-жойлардан фойдаланиш бошқармалари ва уй-жой-коммунал идораларига қарашли 8 та ўсмирлар ва спорт клублари ишлари анча жонлантирилди. Ҳозир уларда 7 мингдан кўпроқ бола шуғулланмоқда. 8,5 минг бола ва ўсмир эса турар-жойлардаги мактабдан ташқари муассасаларнинг спорт секцияларига қатнамоқда. Бир қатор болалар клублари Бутуниттифоқ ва республика кўрик-конкурсларининг совринларини қўлга киритдилар.

Турар-жойлардан фойдаланиш бошқармалари, маҳалла ва уй комитетлари аҳолини шаҳарни ободонлаштириш ва озода сақлаш ишларига оммавий жалб этаётир. Масалан, шу йилнинг ўзида шаҳар аҳолиси ва корхоналарнинг коллективлари томонидан 38 километр узунликдаги йўлга шағал тўкилди ва асфальтланди. 15 километр асфальт йўл сифатли ремонт қилинди, 15 километр узунликдаги ариқчалар тозаланди.

Турар-жойларда аҳоли ўртасида тарбиявий-сиёсий ишларни намунали олиб боришда доимий комиссия ва депутатлик группалари имкониятларидан тобора кенгроқ фойдаланилмоқда. Ўтган давр ичида турар-жой коммунал хўжалиги, савдо, маиший ва транспорт хизмати корхона ва ташкилотлари, соғлиқни сақлаш ва маданий-маърифий муассасалар ишини яхшилашга қаратилган жами 17 та масала бевосита доимий комиссиялар иштирокида кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилиши қатъий назорат остига олинганлиги учун кутилган самарага эришилмоқда.

Шаҳар ижроия комитети, турар-жой-коммунал хўжаликлари аҳоли ўртасида тарбиявий, спорт ва физкультура-соғломлаштириш ишларини оммалаштиришнинг резерв ҳамда имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланиш чораларини кўрмоқда. Бунинг учун жойларда ўртоқлик судлари, жамоатчилик советлари ишларини яхшилашга, маҳаллаларда ҳуқуқий билимларни, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашиш тўғрисидаги қарор ва Фармонларни тушунтиришга бағишланган йиғилишлар, лекция ва суҳбатлар уюштирилмоқда.

Н. ИВАНКИНА,
область ижроия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори.

ТЎРТИНЧИ МАРТА ҒОЛИБ

Александр Омельченко бошлиқ комплекс бригада «Уэлектромонтаж» трести да сурункасига тўртинчи марта съездолди мусобақасининг ғолиби деб аталди. Коллектив трестда биринчилардан бўлиб «ўн саккизлар ташаббуси»ни қўллаб-қувватлади ва ҳозир ўзининг иккинчи беш йиллигини муваффақиятли адо этмоқда.

Меҳнатни оқилона тақсимлаш ишга новаторларча ёндашиш юксак сифат билан бирга стахановча суръатни барқарор давом эттиришга ёрдам бермоқда. Бригада 3—4 кишидан иборат учта звено бўлиб ишламоқда, бу звенодаги кишиларнинг ҳаммаси эса ҳар қандай ишни бажара оладиган қўлигул усталардир. Худди шу нарса иш кўламини мумкин қадар кенгайтириш, бекор туриб қолишларга йўл қўймаслик имконини бермоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари қандай бажарилмоқда?

СОХТА РАҚАМЛАР СОЯСИДАГИ ҲАҚИҚАТ

ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ С. РАҲИМОВ НОМЛИ КОЛХОЗДА ЁНИЛҒИ-МОЙЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ХЎЖАСИЗЛИК ВА ИСРОФГАРЧИЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМОҚДА

Хўжалик экономикасини мустаҳкамлаш — колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириб, уларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш, ишлаб чиқариш ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланиш, маҳсулот етиштириш таннархини мумкин қадар арзонлаштиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

С. Раҳимов номли колхозда 1985 йилда давлатга мева ва узум сотиш планлари бажарилмай қолди. Картошка ва сабзавот топшириш планлари бажарилган бўлса-да, бир центнер картошканинг таннархи белгиланганидан 4 сўмга кўп бўлди. Бошқа хўжаликлардан олинадиган бузоқлар ҳисобига ғунажинлар етиштириш плани ҳам бажарилмади. Хўжаликларга аввалда белгиланган 420 бош ўрнига атиги 227 бош ғунажин сотилди, холос.

Табийки, даромадлар ҳам шунга яраша бўлмоқда. 1985 йил якуни бўйича бор-йўғи 340 минг сўмгина даромад олиш кутилмоқда. Колхозчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари 112 сўм атрофида бўлиши мумкин.

Даромаднинг камлигига план-топшириқларнинг бажарилмай қолаётганлигигина эмас, балки тежамкорлик борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг қониқарсизлиги, жумладан, ёнилғи-мойлаш материалларидан фойдаланишда қатъий тартиб-интизом ўрнатилмаганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Мухбиримиз Ўзбекистон ССР нефть маҳсулотларидан фойдаланишни текшириш давлат инспекцияси ходими билан шу колхозда бўлиб, хўжалик раҳбарлари, мутахассислар ва бошқа касб эгалари билан шу хусусда суҳбат ўтказди.

Д. КАРИМЖОНОВА,
колхоз партия ташкилотининг секретари

— ОЧИҒИНИ айтишим керакки, хўжалигимиз учун ҳар йили ёнилғи-мойлаш материаллари фонди жуда кам ажратилмоқда. Шунинг учун ҳам бир қатор қийинчиликлар рўй бермоқда. Натижада хўжаликда энг зарур ишларни бажарадиган транспортлар учунгина ёнилғи беришга мажбур бўламиз. Иложи борича, нефть маҳсулотларини тежашга ҳаракат қиламиз. Шу мақсадда мавжуд 3 та сув насосини электр энергияси билан ишлашга ўтказдик. Келгусида хўжалигимиздаги айрим ички ишларда от-аравалардан ҳам фойдаланмоқчимиз. 1986 йилда 10 та от-арава ишлатила бошланади.

Р. ШЕРМЕТОВ,
колхоз бош инженери

— ХЎЖАЛИГИМИЗ асосан сабзавотчиликка ихтисослашган. Аввалари ҳар хил экин турлари майда карталарда етиштириларди. Бу эса механизациядан фойдаланишни анча оғирлаштирар, механизаторларимиз экинга ишлов бериш, маҳсулотни даладан ташиб чиқариш учун мўлжалдагидан ортиқча ёнилғи-мойлаш материалларини сарфлар эдилар.

1985 йилда карталар 20—30 гектарлик қилиб йириклаштирилди. 1986 йилдан бу соҳадаги ишлар ниҳоясига етказилади. Дала ишларини механизациялаш савияси ортиб, ёнилғи-мойлаш материаллар тежалиши учун кўпроқ имконият яратилади. Бригада пудрати асосида ишлайдиган механизациялаштирилган комплекс бригадалар ҳам ташкил этамиз. Шунда техника билан боғлиқ дала ишларини ўз муддатида, сифатли бажарилишига эришилади. Ортиқча сарф-харажатлар ҳам камайтирилади.

Машина-трактор паркимиз жуда тор. У шу куннинг талабларига жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам кўпгина ҳайдовчиларимиз транспорт воситаларини ишдан сўнг уйларига олиб кетишарди. Бундай нуқсонга тўла барҳам бериш учун ҳар жиҳатдан қулайликка эга бўлган янги машина-трактор парки қуришни тезлаштиришимиз керак.

С. АЖИБОЕВ,
колхоз бош экономисти.

— РАЙОН агросаноат бирлашмасининг 1985 йил 6 июлдаги 324-номерли хатида 1985 йилда берилган нефть маҳсулотларининг табақалаштирилган нормалари, жумладан, уларни 2—3 процент миқдорида тежаш кўрсатилган эди. Ишимизни ана шу кўрсатма асосида ташкил этишга ҳаракат қилдик. Бироқ ёнилғи-мойлаш материалларини аниқ мақсадларга сарфлаш, тежаш ва бу соҳадаги кўрсатмаларни яхши бажарган механизатор, шоферларни рағбатлантириш, аксинча исрофгарчиликка йўл қўйганларни жазолаш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқмадик. Бу бизнинг айбимиз, албатта.

П. РИХСИЕВ,
колхоз механизатори

— МЕН колхозда 26 йилдан буён трактор ҳайдайман. Айни пайтда Т-28Х-4 маркали транспорт тракторида далага маҳаллий ўғит ташияпман. У ҳали янги. Кунига 5—6 марта қатнаб, ҳар гал нормадаги 3 тонна ўрнига 3,5—4 тонна гўнгни далага тўкаяпман. Ёнилғини бир мунча тежашга эришяпман.

Шу ўринда айрим мулоҳазаларни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Ёзнинг ғарқ пишиқчилик палласида арзимаган юклар ҳам тракторда ташилади. Бундай оворагарчиликка, ортиқча юришларга чек қўйиш учун ўтган йили бригадада бир қатор ишлар қилинди. Тарози далага ўрнатилди. Турли хил маҳсулотлар шу ерда тортилиб, бир ерга жамланди. Сўнг қабул пунктига жўнатилди.

Аммо, хўжаликда ҳали ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар кўп. Тракторлар учун аккумуляторлар етишмайди. Ҳайдовчи бундай тракторни амаллаб юргизиб олгач, кечгача моторни ўчирмасликка ҳаракат қиладик. Акс ҳолда тракторни қайта ўт олдириш мушкул бўлиб қолади.

МУТАХАССИС ШАРҲИ:

...ЮҚОРИДАГИ ЎРТОҚЛАРНИНГ гап-сўзларига қараганда колхозда тежамкорлик борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

Колхозда жами 55 та автомашина ва 50 та трактор бор. Ҳужжатларда қайд этилганига қараганда 1985 йилнинг фақат 11 ойидагина бу ерда 695 литр бензин ва 281 литр дизель ёнилғиси ортиқча сарфланган. Хўжалик раҳбарлари, мутахассислари ёнилғи-мойлаш материалларини сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича махсус қўлланмаларга амал қилмаганлар. Керак ва керак бўлмаган пайтларда ҳам транспорт воситаларига давлат план комитети томонидан тасдиқлаб қўйилган белгиланган маршрут нормасига 20 процентдан қўшимча ёнилғи сарфланаверган. Шунинг учун ҳам ортиқча сарф-харажатлар мутасадди ўртоқларнинг бизга рўкач қилган рақамларида кўрсатилганидан анчагина кўпдир. Бундан ташқари нефть маҳсулотларини тежаш, ортиқча харажатларни аниқлаш борасида колхозда ҳисоб-китоб ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Фойдаланилган ёнилғи-мойлаш материалларини ҳисобдан чиқариш ҳар бир транспорт воситасининг қанча йўл босганига қараб эмас, балки умумий тарзда амалга оширилмоқда. Масалан, ҳайдовчи А. Аширбоев ПАЗ-652 маркали автомашинада апрель ойида 3160 километр йўл юрган. Бунинг учун эса 1320 литр бензин олган ва ҳаммаси ишлатилди деб ҳисобдан чиқарган. Ваҳоланки, норма бўйича шунча йўл юриш учун 972 литргина бензин кифоя қилади. Демак, 348 литр ёнилғини нормадагидан ортиқча ҳисобдан чиқарган. Шунингдек, УАЗ-469 маркали автомашина шоферлари М. Миркаримов ва Р. Қўчқоровлар бир ойда 11 минг 150 километр йўл босганлар. Улар ҳам нормадаги 1784 литр ўрнига 1900 литр ёнилғини чегириб ташлаганлар.

Ажабо, юқоридаги колхоз раҳбарлари машиналаримиз дала шароитида ишлайди, йўллар ўйдим-чуқур, шунинг учун ҳам эрта баҳорданоқ ҳар бир ҳайдовчига нормадагига нисбатан 20 процентдан қўшимча ёнилғи бериш тўғрисида кўрсатма бор, деган баҳона билан ўзларини оқламоқчи бўлдилар. Юқорида санаб ўтилган автомашиналарни қандай қилиб бу тонфага киргазиш мумкин! Ахир улар айни дала шароитида ишлатилмаган-ку. Балки ҳар хил юмушларни фақат текис асфальт йўлдан қатнаб, бажаришган. Бу гап ГАЗ-51 маркали жами автомашиналарга ҳам таллуқлидир. Бу машиналар ўша ойда 27 минг 301 километр юриб, 13 минг 643 тонна километр иш бажарганлар. Бунинг учун эса нормадагидан 969 литр кўп ёнилғи олганлар.

Умуман колхозда нефть маҳсулотларини ҳисобга қилиш ва уларни сарфлаш бўйича аниқ ҳисоб-китоб ишлари олиб борилмайди. Бунинг оқибатида транспорт воситаларига сарфланаётган нефть маҳсулотларини ҳисобдан чиқариш ишлари қўпол равишда бузилмоқда. Шундай экан партком секретарининг нефть маҳсулотлари етишмайди, деган гапини қандай баҳолаш керак? Боридан-ку, тежамли фойдаланилмаяпти, агарда ёнилғи мўл-кўл қилиб қўйилса, исрофгарчилик авжига чиқарканда!

Колхозда ҳайдовчиларнинг йўл варақаларини расмийлаштириш ишлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Уларда автомашинанинг гаражда чиқиш ва қайтиб ўз жойида бўлиш вақтлари, қанча йўл юрилгани ва ишлатилмай қолган ёнилғи миқдори мутлақо кўрсатилмайди. Бир ойлик йўл варақаларининг 80 процентини текшириб кўрдик. Уларнинг деярли барчасида спидометрлардаги рақамлар аниқ қайд этилмаган. Бундай рақамларни ҳайдовчиларнинг ўзлари тахминан ёзиб қўйишаверган. Булардан ташқари колхозда биронта йўл варақасида юк ташилганини тасдиқловчи товар-транспорт ҳужжати ҳамда спидометрларнинг муҳрланганлигини қайд этувчи журнал ҳам йўқ. Бу хўжасизликдан бошқа нарса эмас, албатта.

Хўжаликдаги ёнилғи қўйиш пункти ҳам ҳозирги кун талабларидаражасида эмас. Бу ерда ҳамма турдаги бензинлар аралаш ҳолда сақланмоқда. Район агросаноат бирлашмаси, ғишт заводи ва ёнғиндан сақлаш командалари сингари ташкилотлар ҳам ўзларининг ёнилғи-мойлаш материалларини сақловчи омборлари йўқлигини рўкач қилиб, нефть маҳсулотларини шу ердан тарқатишмоқда.

Пунктда ёнилғи-мойлаш материалларининг айрим турлари челак ва тоғораларда кўз билан чамалаб тарқатиларкан. Колонкалар техника хавфсизлиги талабларига жавоб бермайди. Носозлиги туфайли нефть маҳсулотлари ерга тўкилиб, томиб ётибди. Нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш, сақлаш ва тақсимлаш жараёнида исрофгарчиликларга барҳам бериш ҳақидаги кўрсатмаларда таъкидланишича шу аҳволда иш юритилганда бир йилда 4—5 тонна ёнилғи исроф бўлиши аниқланган. Тошкент районида 11 та хўжалик бор. Агар уларнинг ҳар бирида шундай исрофгарчиликка йўл қўйилса, йилига 50 тоннадан ортиқ қиймматбаҳо нефть маҳсулоти йўқотилади.

Кўрдингизми, эътиборсизлик, лоқайдлик хўжалик учун қанча қимматга тушиши мумкин. Лекин колхоз мутахассисларининг эса парвойи палак. Улар ҳақиқий фактлар аниқлангач, биздан ўтибди, назоратни бўшаштириб қўйибмиз, дейишдан нари ўтмадилар. Ўртоқ Шерметов, қуруқ гап билан иш битмайди! Бу аҳволда сиз юқорида айтганингиздек ортиқча сарф-харажатларга ҳеч вақт чек қўйиш мумкин эмас!

Механизатор П. Рихсиев таъкидлаб ўтганидек, хўжаликдаги 9 та трактор аккумулятор етишмайди. Аккумуляторсиз тракторларни ишлатиш туфайли эса йилига 4—5 тонна дизель ёнилғиси исроф бўлади.

— «Госкомсельхозтехника» район бирлашмаси хўжаликларга аккумулятор етказиб бермаяпти,— дейди район агросаноат бирлашмаси раисининг ўринбосари Н. Саъдуллаев.— Бу муаммо, албатта. Уни ҳал этиш учун биз шу йил аккумуляторларни ремонт қиладиган устахона ташкил этаяпмиз. Аммо, айрим муаммолар борки, уларнинг ҳал этилишида юқори ташкилотларнинг ёрдамига муҳтожмиз.

Ўртоқ Н. Саъдуллаев ҳақ гапларни айтаётганлигига шубҳа қилмоқчи эмасмиз. Лекин, колхоз ва совхозларда нефть маҳсулотларидан фойдаланишда қатъий тартиб ўрнатиб, аниқланган камчиликларни тугатиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришни интенсив изга солиш, моддий манфаатдорликни ошириш учун талайгина резерв ва имкониятлар борку! Мазкур колхозда нега бундай имкониятлар эътибордан четда қолмоқда? Аксинча, раҳбар ва мутахассисларнинг камҳафсалаликлари туфайли сунъий равишда ички муаммолар келтириб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида «...қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашда, ...кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш ҳамда давлат тартибини бошқа тарзда бузиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши муросасиз курашни кучайтириш зарур» лиги айтилган. Шундай экан, маҳаллий партия, совет органлари, район агросаноат бирлашмаси раҳбарлари зудлик билан айрим хўжаликларда нефть маҳсулотларидан фойдаланишда рўй бераётган хўжасизликка, исрофгарчиликка барҳам бериш чора-тадбирларини кўришлари лозим.

Ёнилғи ноёб бойлик. Унинг ҳар бир литридан аниқ мақсадларда фойдаланиш керак. Бу хўжалик раҳбарлари, инженер-техник ходимлар зиммасига катта масъулият юклайди. Афсуси, бу колхозда биз ана шу масъулият ҳисси етишмаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Шунинг учун ҳам нефть маҳсулотларини тежаш борасида амалга оширилаётган ишлар қониқарли эмас, деган хулосага келдик.

Р. АНВАРОВ,
Ўзбекистон ССР нефть маҳсулотларидан фойдаланишни текшириш Давлат инспекциясининг катта инспектори.

Қ. КАРИМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Калинин районидаги Қўйлиқ теплица комбинати ишчилари меҳнаткашлар дастурхонини сархил сабзавот ва цитрус маҳсулотлари билан тўкин қилиш учун астойдил курашмоқдалар. Ҳар куни савдо шохобчаларига кўплаб маҳсулот жўнатилмоқда. Суратларда: (юқоридан) бригада бошлиғи Ф. Гултоев, звено бошлиқларидан М. Сандҳўжаева ва С. Усмонова (пастда) ўртоқлар ҳосил чўғидан мамнун бўлмоқдалар.

Ж. Тўраев фотолари.

МИННАТДОРЧИЛИК

КЎРМАГАНДЕК БЎЛИБ КЕТАСИЗ

Бундан икки ой илгари чап қулоғим эшитмайдиган, бошим тинмай оғрийдиган, ўзимни ёмон ҳис қиладиган бўлиб қолдим. Поликлиникамиз врачи Азиза Ғуломованинг маслаҳати ва тавсияси билан даволаниш учун Сергелидаги 13-бирлашган шаҳар касалхонасига бордим. Шифохонада мени қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари бўлими врачи Шоира Мақсудова илиқ қарши олди. Суҳбат ва назоратдан сўнг у касалимни аниқлаб шифохонага ётқизди. Маълум бўлишича қулоғимнинг пардаси тешилган экан.

— Бу шамоллашдан пайдо бўлган. Вақтида келиб-сиз,— дея тасалли берди врач,— дори-дармонларимиз етарли. Ҳадемай тузалиб, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетасиз.

Ҳақиқатан қисқа муддат ичида шифокор айтганидек, дарддан фориғ бўлдим. Унинг муолажаларидан беҳад хурсандман.

Шифохонада Ш. Мақсудовани беморларга меҳрибон, малакали врач сифатида самимий ҳурмат қилишади. Ўн етти йилдирки у бундай эътиборга ўз касбини қадрлаши туфайли эришиб келмоқда. Мен ҳам унга чин дилдан раҳмат дейман.

Т. СУЛТОНОВ.

ФЕЛЬЕТОНБОП МАВЗУ

ҲАМОН САРСОНМАН

Ҳурматли редакция!

Мен Оржоникидзе районидаги Қибрай посёлкасининг Мевазор кўчасидаги 29 уйда истиқомат қиламан. Яқинда суд ва ЗАГС бюросига ишим тушиб, жуда саргон бўлдим. Умр йўлдошим вафот этганига 6 ойдан ошди. Яшаб турган уй ва енгил машина унинг номида эди. Мен бир ўзимман. Шунинг учун уй ва машинани номимга ўтказмоқчи бўлиб, ариза ёзиб бордим. Қани ишим битса.

ЗАГС бюросидан ўтганимизда никоҳ қоғозига умр йўлдошимнинг фамилияси Слямов Мадат деб ёзилган бўлса, вафот этганлик ҳақидаги ҳужжатда Сиямов Мадат деб қайд этилган. Икки ойдан ошиқ судга қатнадим. У ерда Слямов ва Сиямов бир шахс деб ҳукм чиқариб, қўлимга беришди. Қарорни нотариал идорасига олиб борсам, «ҳамма ҳужжатларда эрингизнинг фамилияси бир хил бўлсагина уй ва машинани номингизга ўтказиб берамиз», деб халқ суди қарорида норози бўлиб хат ёзишди. Судга яна бордим. У ердан яна ЗАГСга юборишди, тағин рад жавобини олдим.

Халқ судида, нотариал идорада, ЗАГС бюросида ҳам ўтирган масъул шахслар шу арзимаган битта ҳарфни ўзгартиришга қурбилари етмай мени ҳамон сарсон қилишмоқда. Бундай овора қилиш қачонгача давом этаркин?

Айша ИСЛАМОВА,
пенсионер.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«БУЗОҚЛАР НЕГА НОБУД БЎЛДИ?»

«ЧОРВА қишлови «Тошкент ҳақиқати» назоратида» рубрикаси остида газетамизнинг 1985 йил 26 ноябрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Бекобод районидаги А. Мавлонов ва Ойбек номли совхозларнинг чорвачилик фермаларидаги йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар танқид қилинган эди.

Мақолага Бекобод район агросаноат бирлашмаси советининг раиси М. Расуловдан олинган жавоб хатида кўрсатилган камчиликлар тўғри эканлиги айтилади.

А. Мавлонов ва Ойбек номли совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг масъулиятсизлиги туфайли бу хўжаликларда чорва бинолари ўз вақтида ремонт қилинмаган. Натижада фермалардаги аҳвол оғирлашган.

А. Мавлонов номли совхозда ҳозир бир қатор тадбирлар белгиланди ва амалга оширилмоқда. Чорвачилик бинолари ремонтдан чиқарилди. Қорамоллар белгиланган рацион асосида боқилмоқда. Озуқа цехи тўхтовсиз ишлаб турибди. Ноябрь ойида фермада кунига 1920 килограмм сут соғиб олинган бўлса сўнгги пайтларда бу кўрсаткич 2100 килограммга кўтарилди. Шунингдек, 71 бош бузоқнинг мажбуран сўйиб юборилишида айбдор бўлган шахслардан 525 сўм ундириб олинди. Ҳозир бузоқлар ситилган хоналарда парвариш қилинмоқда. Бўғоз сигирларни боқишга ҳам алоҳида эътибор берилаётир.

Йўл қўйилган камчиликлар совхоз партия комитетида муҳокама қилинди, унда айбдор бўлган бош зоотехник А. Ҳидиров ва бош ветеринария врачи Т. Қаршибоевлар қаттиқ огоҳлантирилди.

Ойбек номли совхозда ҳам чорвачиликдаги аҳволни яхшилаш учун бир қатор ишлар қилинди. Молларга ем-хашак озуқа цехида қайта ишланиб берилмоқда. Фермадаги гўнгни чиқариш, суғориш, озуқа тарқатиш механизмлари тўла ишга туширилди. Санитария-ветеринария ҳолати яхшиланди.

Чет эл янгиликлари

◆ МАНАГУА. Шаҳардаги АҚШ элчихонаси олдида никарагуалик меҳнаткашлар, ёшлар ва студентларнинг намойиши бўлиб ўтди. Улар «Никарагуадан қўлингни торт!» шиорларини кўтариб чиқдилар. Намойиш қатнашчилари мамлакатнинг ички ишларига аралашаётган Америка ҳукуматининг сиёсатини қаттиқ қораладилар. Суратда: Манагуадаги норозилик намойиши иштирокчиси.

АП—ТАСС телефотоси.

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ УЮШМА

◆ НЬЮ-ЙОРК. Қўшма Штатларда «Америкада терроризмга қарши уюшма» ташкил этилди. Унга кўп сонли урушга қарши кураш ташкилотлари майда миллатлар граждан эркинликлари ва ҳуқуқлари учун курашувчи касаба союз ва диний бирлашмалар, ташкилотлар кирди. Уюшма аъзолари орасида сионизмга қарши курашаётган яҳудий ташкилотлари, шунингдек таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари ҳам бор. Уюшма ташкилотчилари «Нью-Йорк таймс» газетаси саҳифаларидан Америка жамоатчилигига мурожаат қилиб, АҚШда америкалик арабларга қаратилган террор ҳуружларига қатъий зарба беришга чақирдилар.

МИЛЛИЙ МУДОФАА БОШҚАРМАСИНИНГ ҚАРОРИ

◆ ТОКИО. Япония миллий мудофаа бошқармаси ҳарбий технологияни ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган йирик марказ тузиш ҳақида қарор қабул қилди. «Нихон кэйдзай» газетаси бугун шуни маълум қилди. Марказ ҳарбий маҳкамага қарашли мавжуд илмий-тадқиқот институтларини ва миллий мудофаа академиясини бирлаштиради. Кейинчалик марказда қурол-яроғларни ишлаб чиқишга мамлакатдаги етакчи университетларнинг мутахассисларини кенг жалб этиш кўзда тутилмоқда. Бу ерда миллий мудофаа бошқармасининг мана шу қарорини ҳарбий технология соҳасида Токио билан Пентагон ўртасидаги алоқалар кучайганлиги билан боғлиқ деб ҳисобламоқдалар. Чунончи, Япония ҳукумати яқинда ракеталарни мўлжалга олиш ва кузатишнинг энг янги системасини ишлаб чиқариш учун ҳужжатларни АҚШга топшириш тўғрисидаги протоколни имзолаган эди.

(ТАСС, 6 январь).

ЭРОН—ИРОҚ МОЖАРОСИ

● БАҒДОД. (ТАСС). Ўтган кеча-кундузда Ироқ артиллерияси фронтнинг марказий участкасида ва Басра шаҳридан шарқроқ жойлашган районларидаги Эрон позицияларини ўққа тутди, дейилади Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг ахборотида. Душманнинг учта ўқ дори омбори ва пиёдаларининг бир нечта пистирмаси яксон этилди.

Эрон артиллерияси Ироқнинг Фао шаҳрини ўққа тутди.

● НИКОСИЯ. (ТАСС). Эрон ИРНА агентлигининг хабарига қараганда, кеча бутун фронт бўйлаб артиллерия отишмалари давом этди. Бу отишма, айниқса ғарбий участкаларда шиддатли бўлди. Ироқ қўшинларининг аскарлари ва техникасига талафот етказилди. Эроннинг ҳарбий ҳаво кучлари ва ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари мамлакат шимоли-ғарбидаги бир қанча аҳоли пунктларига Ироқ ҳарбий самолётларининг ҳужумини даф этдилар.

Ироқнинг узоққа отадиган артиллерияси ободон шаҳрини ўққа тутди.

БАХТАР агентлигининг шарҳи

КОБУЛ, 6 январь. (ТАСС). Ғарбнинг оммавий ахборот воситалари Апрель революцияси ғалабаларини қоралаш мақсадида кенг кўламда қўпорувчилик пропаганда кампаниясини олиб бориб, очиқдан-очиқ ёлғон ва туҳматларни тарқатишдан ҳам қайтмаётир, деб ёзади БАХТАР агентлиги. Бонндаги «афғон комитети» деб аталмиш ташкилот тарқатган гўё «Афғонистон ҳукумати аксилинқилобчиларга медицина ёрдами кўрсатаётган афғон ва чет эл врачларини ўлдириш тўғрисида буйруқ берган» деган сохта гаплар бунга мисол бўла олади, дейилади агентликнинг бу ерда эълон қилинган шарҳида. «Террор қурбони» сифатида Ургундаги жанглар давомида ҳалок бўлган қандайдир «доктор» Қосим Нури мисол қилиб айтилган.

Бундай пропаганданинг мақсади равшан бўлиб, у мамлакат территориясини қотиллар ва талончилар тўдаларидан тозалаётган АДР қуролли кучлари фаолиятини қоралашдан, шунингдек ташқаридан бўлаётган агрессияни қайтаришда, миллий суверенитети ва территориал бутунлиги ҳимоя қилишда АДРга ёрдам бериш учун Афғонистонга келган совет қўшинларининг чекланган қисмларига туҳмат қилишдан иборат. Қонунларни ва ҳамма томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларини поймол этиб мамлакат территориясига яширинча кириб олиб, аксилинқилобчи каллакесарлар билан яқиндан алоқа ўрнатиб, жосуслик фаолияти билан шуғулланаётган «врачлар» ва «журналистлар» деб аталмиш кимсалар Афғонистонда нималар қилаётганини афғон халқи яхши билади, деб таъкидлайди БАХТАР агентлиги.

Кобулда бўлиб ўтган матбуот конференциясида улар Афғонистон авиакомпаниясига қарашли пассажир самолёти ва ундаги барча пассажирлар ҳалокатига бевосита алоқадор эканлиги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан исботлаб берилди. Шунингдек агентлик Қандаҳор районида тўрт америкалик АДР га яширинча ўтганлигини ҳам эслатади. Улардан бири—Чарльз Торонтон каллакесарларнинг ўзаро тўқнашуви вақтида ўлдирилган эди.

Шундай қонуний бир савол туғилади, Ғарб пропагандаси «Афғонистон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатаётган» деб тақдим этаётган Қосим Нури, Чарльз Торонтон, бошқа шунга ўхшаш «журналистлар ва врачлар» ҳақиқатан ҳам афғон халқининг бахт-саодати тўғрисида жон куйдираётган бўлсалар, у ҳолда нима учун расмий ва қонуний йўлдан бормаяптилар? Ахир ҳозирги вақтда АДР территориясида халқаро медицина ташкилотларининг вакиллари расмий равишда иш олиб боряптику, деб таъкидлайди БАХТАР.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

◆ **БОННҲ.**

ГФР даги таниқли олим, Германия Компартияси правленисининг аъзоси Хуффшмид Американинг «самовий урушлар» программасини «беқарорлаштирувчи стратегик ташаббус» деб атади. «Гап АҚШнинг зарбдор космик қуроллар ёрдамида социалистик мамлакатлардан харбий устунликка эришишга уриниши тўғрисида бормоқда, деб ёзади у «Ўнзере цайт» газетасида. — Бундай уриниш замирида биринчи бўлиб ядро зарбаси уриш васвасаси бор, бу эса сиёсий жиҳатдан ҳам, ҳарбий жиҳатдан ҳам авантюристик найрангдир».

◆ **ДЕҲЛИ.**

Бу ерда Американинг «Юнион карбайд» миллатлараро корпорациясига қарши оммавий намойиш бўлиб ўтди. Шу корпорациянинг айби билан 1984 йил декабрида Ҳиндистоннинг Бхопал шаҳридаги химия заводида даҳшатли фожиа юз бериб, у 2500 дан ортиқ кишининг ёстиғини қуритган эди. Намойиш қатнашчилари Ҳиндистон ҳукуматини «Юнион карбайд»нинг Ҳиндистонда ишлаб турган ҳамма корхоналарини национализация қилишга чақирдилар. Намойиш қатнашчилари Ҳиндистон саноат министри Тиварига фойда кетидан қувиб кишилар ҳаётини қурбон қилаётган корпорация фаолиятини тақиқлаб қўйишни талаб қилувчи меморандум топширдилар.

«ХАМСА»НИНГ 500 ЙИЛЛИГИГА

КУТУБХОНАДА АДАБИЙ КЕЧА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонасида А. Навоий «Хамса»сининг 500 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг таниқли шоирларидан Э. Воҳидов, А. Орипов, Ж. Камол, Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг актёрларидан З. Муҳаммаджонов, Т. Азизов, Ё. Аҳмедов, С. Норбоевалар иштирок этишди.

Шоир Э. Воҳидов кечани очиб, Алишер Навоий ижоди ҳақида сўзлаб берди. Сўнгра тўпланганлар филология фанлари кандидати Р. Қобуловнинг «Хамса» асарининг аҳамияти тўғрисидаги докладини тингладилар. Ижодкорлар ўзларининг А. Навоийга бағишланган шеърларидан ўқидилар. Шунингдек, адабий кеча қатнашчилари кутубхонанинг кўргазмалар залида «Буюк гуманист ижоди» экспозициясини томоша қилдилар.

Л. ИЛЬИНА.

ТОШКЕНТ театрларида

МУҚИМИЙ номидаги Ўзбек Давлат музикали театрида драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг пьесаси асосида тайёрланган «Зўлдир» комедиясининг премьераси бўлиб ўтди. Мазкур асарни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир Отабоев саҳналаштирди. Янги комедияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талабларидан келиб чиқиб мансабпарастлик, лаганбардорлик, иккиюзламачилик каби ҳаётимизга ёт бўлган иллатлар ўткир кулги воситасида фош этилади. Суратда: «Зўлдир» спектаклидан саҳна.

В. Миленький фотоси. (ЎзТАГ).

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ЛЕНИН ҒОЯЛАРИ

Партия, доҳийга бўлган зўр ҳисда
Меҳнат қиламиз биз кеча-кундузи.
Елкамизга қўлин қўйиб оҳиста
Енимизда турар Ленининнинг ўзи...

Владимир Ильич, улуғ отахон!
Яшнади меҳрингиз очган ғунчалар.
Ўзингиз яратган муборак замон,
Инсоний тафаккур ўсди шунчалар.

Ҳар бир минутимиз мазмундор ва соз,
Ватаннинг боғлари мевазор—кўркам.
Кўкда башар ўғли этаркан парвоз,
Инсонлар онгида қудрат мустаҳкам.

Қишлоқ, шаҳарларни оралаб кўринг:
Чаманзор бўлгандир бизнинг ҳар томон.
Пахтазор қўйнига кирайлик, юринг,
Энди бўз далалар чўл эмас, чаман...

Бахтнёр замонда яшаяпмиз биз,
Ленининнинг даҳоси кўрсатгандир йўл.
Қардошлар қатори бориб изма-из
Миллионлар сафида баланд бўлди қўл.

Курашлар қурбонсиз бўлмайди бироқ,
Жон бериб, жон олдик озодлик учун.
Жанглардан мардона чиқолдик ҳар чоқ,
Халқимиз кўрсатди жасорат кучин.

Миллатлар теппа-тенг, ҳаммамиз бахтли,
Халқники жамики бойлик, еру сув,
Шудир она-Ватан кучи-қудрати
Ва рўёбга чиққан азалий орзу.

ДЕНГИЗ БЎЙИДА

Хайрлашиб қолдим мен бу чоқ,
Қирғоқ бўйлаб жўнади кема.
Тўлқинларга термилиб узоқ
Ахтаргандек бўлдим бир нима...

Билмам хаёлимни олдими
Денгизнинг чўнг, бепоёнлиги?
Ёки қалбга тўлқин солдими
Унда қудрат намоёнлиги?..

Чарх урарди бир тўп оққушлар,
Иҳор этиб шайдо дилин.
Қояларга тўлқин тўш урар,
Тушунгандек бўлдим мен тилин.

Унга боқиб орзиқди бу қалб,
Мавжларида ўйнайди нурлар.
Мовий денгиз ажиб шовуллаб,
«Ёшлигингман» дея шивирлар.

ТАЪЗИМ

Буюк Ватан,
Сенга таъзим.
Сенга диллар севгиси,
Бепоёнсан,
Сўнгсиз,
азим,
Сен—орзулар юлдузи:
Кундан-кунга
Ободдирсан,
Бағринг гўзал, чароғон.
Чунки эркин,
Озоддирсан.
Монанди йўқ бир бўстон.
Сенга бўлсин
Севгимиз ҳам,
Юракларнинг тафти ҳам.
Олам-олам орзуларга
Ўзинг чексиз маконсан.
Орзулардан бунёд бўлган
Меҳр тўла достонсан!

Муҳиддин ЖАББОР.

Олий ўқув юртларида

Ҳамкорлик ортмоқда

Партиямизнинг янги таҳриридаги Программаси лойиҳасида фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилган. Бу борада Тошкент политехника институтининг «Холодильниклар ва компрессорлар машиналари ҳамда уларни ўрнатиш» кафедраси изланишлар марказига айланиб қолди.

Олимларнинг чорвачилик фермаларини совуткич қурилмалари билан таъминлаш борасидаги тадқиқотлари яхши натижалар берди. Хусусан, Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхози сут-товар комплекси учун тайёрланган совутгич қурилма ўзининг қатор афзалликларига эга эканлигини кўрсатди. Қурилма кўплаб сувни иситиш имконини ҳам беради. Иссиқ сув соғиш агрегатларини, фермадаги бошқа идишларни ювиш учун сарфланади. Бу билан кўплаб электр энергия тежалади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ана шу қурилма туфайли хўжалик 21 минг сўмлик иқтисодий фойда кўрди.

Бу янгилик олий ўқув юртининг профессори А. Лавочник билан катта ўқитувчи А. Мўминовлар ижодий ҳамкорлигида амалга оширилди. Колхоз сут-товар комплексига мазкур қурилмани ўрнатишда институт вакиллари актив қатнашдилар.

Студентларнинг конструкторлик бюролари

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтида ёшларнинг техника ижодкорлигига алоҳида аҳамият берилмоқда. Студентлар лойиҳа-конструкторлик бюроси орқали бажарилаётган изланишлар, айниқса самарали бўлмоқда.

Ўтган ўқув йилида студентлар ёзган курс ва диплом ишларидан 22 таси ихтирочилик ва рационализаторлик даражасида бажарилди. Шу сабабли ҳам улар ишлаб чиқаришга дадил жорий қилинди.

Эндиликда институтнинг деярли ҳар бир кафедрасида конструкторлик бюроси бор. Автомобилларнинг техника эксплуатацияси кафедраси ҳузурида ташкил этилган «ёшларнинг изланиш маркази» фаолияти айниқса кенг йўлга қўйилди. Мавжуд конструкторлик бюролари тўплаётган тажрибалар шу ерда умумлаштирилмоқда.

Институтда студентлар конструкторлик бюросининг ўзига хос бир неча «филиали» ҳам ташкил топди. Уларга «Дорожник», «Автомобилда юк ташиш», «Ультратовуш», «Сигма», «Йўл ҳаракатини ташкил этиш» деб ном берилди.

А. АЛИЕВ.

«ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН» МАҚОЛАСИ ГАЗЕТХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

ЯХШИ ЎЙЛА, ҚИЗИМ

«ТОШКЕНТ ҳақиқати» газетасининг ўтган йил 25 декабрь сонида эълон қилинган «Қарс икки қўлдан» сарлавҳали мақолани оиламиз даврасида ўқиб чиқиб, муҳокама қилдик. Кўпчилик айбни кўпроқ Каримахонга қўйди. Шунингдек, тор қорнимга сиққан кенг уйимга сиғмайдими, деган гапни айтган Каримахоннинг оналари ҳам ноҳақ. Бизнинг тўрт келин ва бир қизимиз бор. Агар қизимиз бизни кўриш учун уйимизга келса, кеч кирмасдан уйига жўнатишга ҳаракат қиламиз. Келинларимиз ҳам ота-оналариникига боришса кечқурун қайтишади.

Мақолага келсак, Каримахон билан қайнонаси ўртасида бўлиб ўтган келишмовчиликлар аслида ҳеч нарсага арзимайдиган гап. Маълум бўлишича, Салима хола кексалик важидан, фарзандлари доғидан инжиқроқ қарибдилар, арзимас сабаблар билан ҳадеб келинни ранжитишлари тўғри эмас, албатта. Каримахон эса кампирни тушуниши ва бу инжиқликларни кўтариб, ён босиши керак эди. Шунда олам гулистон бўларди. Ахир бу хонадонда қайнотаси Қосим ота ва турмуш ўртоғи Исмат Каримахон томонда-ку. Фақат қайнонанинг майда-чуйда гаплари деб тўқсон яшар қарияни ва бир умр бирга бўладиган турмуш ўртоғини азоблаш шартми? Уч болани тирик етим қилиб, уйга аразлаб кетиши ноўрин, албатта.

Каримахон! Қизим, сен яхши ўйла, қайнонанг ҳам ўз онангга ўхшаб, ғанимат. Улардан кейин сен уч боланг билан ака-укаларинг уйига сиғмай қоласан. Қолаверса, уч фарзанд билан бошқа турмуш қуришнинг ҳам ўзи бўлмайди. Болаларнинг келажагини ўйла, фарзанд тарбиясида отанинг ўрнини бошқа ҳеч ким босолмайди! Ҳали ҳам вақт бор, жиддий ҳеч нима бўлгани йўқ. Сен қайнонангга узр айтиб, турмушингни тикла. Вақт — оқар сув, эрта-индин ўзинг ҳам қайнона бўласан. Ўшанда қайнонанг ва ўз онангнинг номаъқул гап-сўзларини такрорлама.

Исматжон! Ҳар бир эркак онани бир қўлида, хотинни иккинчи қўлида олиб юради. Сен мана шу ҳақиқатга амал қилиб тўғри йўл тутибсан, лекин ҳозир бирмунча изтиробда қолибсан. Қайнонангнинг олдиларига бориб бўйин эгиб, «ойижон, мана бу дўмбоқ неваларингизни тирик етим қилманг, менинг онамдан ўтган бўлса кечиринг» дея узр сўраб, оилангни тикла! Ҳаётда кўп нарсани кўрган бир кекса сифатида менинг маслаҳатим шу.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.

АФСУС

БИЗ «Красний Октябрь» санаторийсида даволанаётган бир группа газетхонлар «Қарс икки қўлдан» мақоласини қизиқиш билан ўқиб чиқиб, ўзаро муҳокама қилдик. Ҳозирги тинч, фаровон ҳаётимизда мана шунақа арзимаган сабаблардан катта нохушликларни келтириб чиқараётган одамларнинг қилмишидан афсусландик. Мақолани ўқир экамиз, воқеа қаҳрамонларининг айримларига ачиндик, айримларидан ранжидик. Тўғри, оила бу муроса ва машаққат талаб қиладиган мактаб. Ҳар қандай аълочи ўқувчи мактабда ёмон баҳо олиши мумкин бўлганидек, оилада ҳам шундай ҳолни кузатиш мумкин. Исмат ҳам бу мактабда яхши баҳо ололмай қоқилибди. Каримахон ҳам шундай. Гап шундаки, Исмат Каримахонни бир неча йил биргаликдаги турмуши давомида оиладаги машмашаларга бардошли қилиб тарбиялай олмабди. Агар тарбиялаганида бугунги нохушлик рўй бермаган бўларди.

Каримахон, бир сонияга ўзингизни қайнонангизнинг ўрнига қўйиб кўринг. Салима холага ҳам осон эмас. Сиз ҳам онасиз. Қариганингизда, куч-қувватдан қолганингизда келинларингиздан ҳурматсизлик кўришни сиз ҳам истамайсиз, албатта. Ҳали ҳам кеч эмас, ёш оилангизга қайтинг. Қарияларнинг раҳматини олинг.

Мазкур воқеада қизига насиҳат қилиб, оғир бўлишни ҳиқтириш ўрнига уни ёш боладек эркалатган онанинг тутган йўли ҳам нотўғри. Йиллар ўтади, неваралар улғаяди, шу билан бирга уларнинг ташвиши ҳам катта бўлади. Бирини узатиш, бирини уйлантиришга тўғри келади. Ҳурматли қайнона ўша вақтда болаларнинг отаси Исматнинг ўрнини боса олармикан? Каримахоннинг онаси наҳотки ширин-шакар неваларининг тирик етим бўлиб ўсишини хоҳласалар. Борингки, неваларига бошқа ота ҳам топилди, дейлик. Лекин у болаларнинг ўз отасидек бўла оладими?

Ҳурматли Каримахон ва Исматжон! Мана шу нохушлик ҳаётингизда ўз изини йўқотишини, оилангиз тикланишини астойдил истаймиз.

О. СОЛИҲОВ,
З. ИСОҚОВ,
А. АБДУЛЛАЕВ,
Оржоникидзе район, «Красний Октябрь» санаторийси.

ҚАЙНОНА ҲАМ ОНА

ХОСИЯТ билан турмуш қурганимизга чорак аср бўлди. Ҳозиргача беш овсин ўртасида бирор марта жанжал ёки қайнона билан келишмовчилик чиққанини эслай олмайман. Чунки онамиз оилада эркак киши хонадон соҳиби эканлигини таъкидласалар, келинлар қайнона ва қайнотанинг ўзларига хос ўрнилари борлигини қадрлашади.

Каримахон, қайнонангизни она деб билиб, бир гапдан қолинг, узр сўранг ва ўз уйингизга қайтиб келинг, икки ўртада турмуш ўртоғингиз Исматжон қийналиб қолибди. «Додажон» деган қизалоғингизни додаси ва отасидан узоқлаштирманг. Менинг онам ўн саккиз набира ва уч эвара кўрдилар. Келинлар вақти келганда сержаҳл, вақти келганда ширин гапирадиган, ёши етмишдан ошиб асаблари бўшашиб қолган қайнонани ун-ча-мунча койишларидан ранжимай ўз хизматларини аямайдилар. Шу туфайли бўлса керак, ортиқча гапсўз келиб чиқмайди...

С. КОМИЛОВ,
пенсионер, Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхоз.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

«ЦИРКДА АРЧА»

ЯНГИ ИЙЛ КАТТА ЭРТАК ТОМОШАЛАРИ

Сиз эртак қаҳрамонлари Қорбобо, Қорқиз, қароқчилар, ялмоғиз кампир ҳамда Валентин ИВАНОВ раҳбарлигидаги ўргатилган шимпанзелар билан учрашасиз.

7, 8, 9, 10, 11, 12 январь соат 17.00 ва 19.30 да бошланадиган томошаларга билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Касса ҳар куни соат 10.00 дан очиқ

Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.

ЭРКАКЛАР УЧУН

«КОНСУЛ», «СПОРТКЛУБ» ОДЕКОЛОНЛАРИ

«СПОРТКЛУБ» одеколон нозик хушбўй анвойи гулларнинг хидини таратиб туради.

«КОНСУЛ» одеколони эса цитрус ўсимлигининг киши руҳини кўтарувчи дуркун иси билан ажралиб туради.

Одеколонлар баҳоси 12 сўм.

«СОЮЗПАРФЮМЕРПРОМ» БУТУНИТТИФОҚ САНОАТ БИРЛАШМАСИ.

ГУЛ ВА РАЙҲОН КАБИ ГЎЗАЛ

Духобагазар билан тикилган уй жиҳозлари ва либослар маданиятимиз бойлигидир. Бу буюмлардаги нақшин гуллар ва уларнинг юксак маҳорат билан тикилиши ҳар қандай харидорга манзур бўлади.

Заррин, ялтироқ ип билан духобага тикилган совға буюмлари дўстларни мамнун этади.

Шаҳримизнинг йирик универсал магазинлари ва «Совғалар» магазинларида зар билан тикилган дўппилар, туфлилар, нимчалар, гулли ёстиқ жилдлари сотилмоқда.

«УЗМЕСТПРОМ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон 76-47-11).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

Тошкент давлат университети базасидаги олий ўқув юртларароо илмий текширишларга хизмат қилувчи марказ коллективи инженер-программист А. Икромовга отаси

Маъруфхон ИКРОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

УРТА ЧИРЧИҚ районидаги «Северний маяк» колхозида спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда футбол, баскетбол, волейбол, қўл тўпи ҳамда эркин кураш секциялари мунтазам ишлаб турипти. Айниқса, колхозда шанба ва якшанба кунлари ўтказилаётган спартакиадаларда кўплаб меҳнаткашлар иштирок этишмоқда. Суратда: шахмат ва стол теннниси баҳслари қизғин давом этмоқда.

А. Зуфаров фотолари.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ВОЛЕЙБОЛ

Волейбол бўйича СССР чемпионати ўйинлари давом этмоқда. Командалар икки группага бўлиниб, Харьковда ҳамда Одессада куч синашмоқдалар. Саралаш ўйинлари ўтказилгач, энг кучли олти команда ўзаро финал группасида мусобақалашадилар. Одессада иштирок этаётган Тошкентнинг «Динамо» командаси биринчи учрашувда МАСКга 1:3 ҳисобида ютқазиб қўйди.

ЭРКИН КУРАШ

Андижонда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Сульги Бутфуллин хотира соврини учун эркин кураш мусобақалари ўтказилди. Турнирда 300 га яқин ёш полвонлар куч синашдилар. Мусобақаларда республикамиз спортчилари билан бир қаторда қирғизистонлик полвонлар ҳам иштирок этдилар. Қизғин баҳсларда қаҳрамоннинг ҳамшаҳарлари — андижонлик курашчилар биринчи, ўш спортчилари иккинчи ўринни, тошкентликлар эса учинчи ўринни эгаллашди.

БАСКЕТБОЛ

1968—1969 йилларда туғилган қизлар ўртасидаги баскетбол бўйича Янгиободда ниҳоясига етган Ўзбекистон биринчилиги Тошкент области командаларининг ғалабаси билан тугади. Мусобақаларда юқори маҳорат кўрсатган Тошкентнинг «Буревестник» баскетболчилари биринчи бўлдилар. Иккинчи ўринни эса Чирчиқнинг «Чимён» спорт клуби вакиллари эгаллашди.

Мусобақаларда областимиздан яна бир команда — ангренлик баскетболчилар иштирок этдилар. СССР биринчилигининг зона мусобақаларига тайёргарлик кўраётган бу команда ишончли ғалабани қўлга киритди.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ТВ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.45 — Ҳужжатли фильмлар. 10.10 — «Паяцлар». Опера. 11.25 — «Оловли шар». операцияси. Бадиий фильм. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Фильм-концерт. 16.20 — «Билимимиз —қудратимиз». 16.55 — Ҳужжатли фильм. 17.35 — «Жўра — минарҳарлар овчи». Бадиий фильм. 2-серия. 18.45 — Сиз яратган боғ. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Мультфильм. 19.40 — «КПСС XXVII съезди шарафига. 21.30 — «Время». 22.05 — Хоккей. 22.40 — Фигурали учиш. 23.25 — Ҳужжатли фильм. 23.45 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — «Ҳамкишлоқлар». Бадиий фильм. 11.00 —«Будильник». 11.30 Волейбол. 12.00 — Мультфильм. 12.20 — Шахмат мактаби. 12.50 — «Эсдалик учун». Бадиий фильм. 2-серия. 13.55 — Француз тили. 14.25 — Фильм-концерт. 15.00 — Ростов телестудиясининг программаси. 15.50 — Чана спорти. Жаҳон кубоги. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.30 — Музикали киоск. 20.00 — Ритмик гимнастика. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — Ҳужжатли фильм. 20.55 — Хоккей. Халқаро ўртоқлик учрашуви. 21.30 — «Время». 22.05 — «Номсиз юлдуз». Бадиий фильм. 1-серия.

ЎзТВ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — Тонгги тароналар. 8.00 — Пионер телетайпи. 8.10 — Мультфильм. 8.30 — «Ахборот». 8.50 — Телефильм. 9.00 — «Время». 9.40 — Концерт. 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — Болалар учун фильм. 19.00 — Ноз-неъмат бунёдкори. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Ҳаётимиз программаси. 19.55 — Концерт. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Саволларингизга жавоб берамиз. 21.30 — «Время». 22.05 — «Узундан узоқ иш». Бадиий фильм. 23.30 — Халқаро аҳвол кундалиги.

ЎзТВ-II. 9.00 — 16.25— МТ-II. 18.10 — Альгоритмлар. 18.40 — «Светофор». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Театр воқеалари». Бадиий фильм. 20.50 — Эстетика асослари. 21.30 — МТ-II.

Р. 08512. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684 Б. 1861. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12